

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши  
Академияси

Кўл ёзма ҳуқуқида.  
ББК: 66.01+66.61(5Ў)5


Расулов Ҳаким Маманович

Ўзбекистонда жамият мафқураси: миллий-  
тарихий негизлари ва шаклланиши.

23.00.03. - Сиёсий маданият ва мафқура ихтисослиги бўйича  
сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун  
ёзилган

д и с с е р т а ц и я

А в т о р е ф е р а т и



Тошкент-2001

130.3 (043.3)

P25

2

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши Академияси «Фалсафа» кафедрасида  
бажарилган.

Илмий раҳбар: фалсафа фанлари доктори,  
профессор. Т.А.Жўраев

Расмий оппонентлар: фалсафа фанлари доктори,  
профессор И.Хўжамуродов  
сиёсий фанлар номзоди,  
Н.Умарова

Ётақчи илмий муассаса: Мирзо Улугбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий  
Университети

Химоя 2001 йил «16» сентябрь куни соат 14<sup>00</sup>  
да Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва  
жамият қурилиши Академияси қошидаги фан доктори илмий  
даражасини бериш бўйича Д.005.10.01. Ихтисослашган  
Кенгашнинг мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 700003, Тошкент  
шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси  
кутубхонасида танишин мумкин.

Автореферат 2001 йил «11» октябрь да тарқатилган.

Тамғали муҳр билан тасдиқланган тақризларингизни  
ихтисослаштирилган Кенгаш котибига (700003, Тошкент шаҳри,  
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45) юборишингизни илтимос қиламиз.

Д.005.10.01. Ихтисослашган  
Кенгаш илмий котиби,

Тарих фанлари доктори, профессор Ш.Махмудбеков

## I. Тадқиқотнинг умумий тавсифи.

Талкикот мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши туфайли ижтимоий-сиёсий жараёнларда сифат жиҳатдан янги йўналишлар юзага келди. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий мустақиллиги ва демократиялашув жараёнлари мафкуравий омиллар билан боғлиқ бўлиб, у жамиятнинг барча соҳаларидаги тараққиётига ғоявий йўналиш беради.

Дунёдаги ҳар бир давлат ўз туб мақсад ва манфаатларига мос, уни ҳимоя қилишга қодир миллий ғоя ва миллий мафкурага доимо эҳтиёж сезиб яшайди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маънавий-мафкуравий соҳада бир қатор ижобий ишлар қилинганлигини эътироф этган ҳолда, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда юз берган турли ноҳуш воқеалар маънавий-мафкуравий ҳаётимизни янада соғломлаштириш лозимлигини кўрсатмоқда. "Ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, аввало, ўсиб униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишни бамисоли ёш ниҳолга мевали дарахт куртагини пайванд қиладиган уста боғбондек назорат ва меҳр билан амалга ошириш лозим"<sup>1</sup>. Шу маънода Ўзбекистонда жамият тараққиётининг ғоявий асоси бўлган миллий мафкуранинг тарихий асослари, шаклланиши ҳамда унинг давлат ва жамият қурилиши ишидаги амалий аҳамиятининг илмий таҳлили билан боғлиқ муаммолар долзарблигича турибди. Айниқса, мавзунинг сиёсатшунослик фани нуқтаи назаридан ўрганилиши давлат ва жамият тараққиётини тўғри белгилаб олишда намоён бўлади. Давлат ва жамиятни ислох қилиш жараёни эса мафкура билан узвий боғлиқдир. Дунёдаги бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, жамият тараққиёти ва ривожланиши мафкуравий тамойиллар билан мустаҳкам алоқала бўлишини талаб этаётти. Шу туфайли ҳам жамият мафкураси мавзусини тадрижий жиҳатдан янгича тафаккур ва мезонлар асосида илмий таҳлил қилишнинг бир қатор жиҳатларини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Булар қуйидагилардан иборат бўлиб, тадқиқотнинг мақсади билан узвий боғлиқ:

Биринчидан, миллий мафкуранинг тарих синовидан ўтган назарий-методологик асослари ҳамда демократик кадрият ва тамойилларнинг устуворлигини аниқлашда;

<sup>1</sup> Каримов.И.А. Сўз боши. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон», 2000. 7-бет.

**Иккинчидан**, жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар, миллат ва элат вакилларининг мақсад ва манфаатларини ягона миллий тикланиш жараёнига йўналтиришда;

**Учинчидан**, ижтимоий муносабатлар тизимини янада соғломлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва куриш объектив зарурият эканлигини асослашда;

**Тўртинчидан**, умуммиллий манфаатларнинг жамиятнинг барча табақалари, сиёсий партиялар, миллат ва элат вакиллари манфаатларидан устуворлигини таъминлашда;

**Бешинчидан**, миллий хавфсизлик ва барқарорликнинг таъминланиши ва мустақамланишида;

**Олтинчидан**, миллий ва умуминсоний ҳамда мафкуравий қадриятларга амал қиладиган, янгича фикрлайдиган маънавий барқамол инсонни тарбиялашда намоён бўлади.

Бу жиҳатлар давлат ва жамият қурилишини янгича типда ислох қилишда ҳамда ягона стратегик вазифани амалга оширишда миллий мафкурага таяниб оммани бирлаштиришни талаб этади. Мавзунинг долзарблиги ҳозирда жамиятнинг моддий ва маънавий муносабатлари ҳамда ижтимоий воқеликнинг кескин ўзгариши натижасида вужудда келиши мумкин бўлган ижтимоий-сиёсий ҳолат яъни, мафкуравий бўшлиқни тўлдиришда кўринаяпти. Бу жиҳат бугунги кунда миллий мафкура олдида турган энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Жамиятдаги мафкуравий бўшлиқни тўлдириш муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарблашмоқда. Зотан, ҳозирда икки сиёсий тузум ўртасидаги кураш тугаган бўлса-да, кўлами ва мақсадлари нуктаи назаридан дунёвий тараққиётга таҳдид бўладиган, турли хил (сиёсий, диний, миллий) мафкура ва қарашлар тортишуви тўхтаганича йўқ<sup>1</sup>. Бу нафақат давлат ва жамиятнинг, балки ҳар бир инсоннинг мақсад ва манфаатларига мос мафкура бўлиши лозимлигини аниқлатади. "Ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро бунга яхшилаб тушуниб, мағиз-мағизга етиб олиши керак. Чунки жамиятнинг, жамият аҳлининг мустақкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инкирозга юз тутлади"<sup>2</sup>.

Биз мураккаб бир даврда яшаймиз, бугун нафақат маънавий-мафкуравий ҳаётимиздаги балки, инсоният жамиятининг барча соҳаларидаги ўзгариш ва янгиланишлар ҳаётимизга гоҳ ижобий, гоҳ салбий таъсир кўрсатмоқда. Замонавий техника ва технологияларнинг ривожланиб бориши ҳамда ахборот

<sup>1</sup> Каримов.И.А. Жамият мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.: "Ўзбекистон" 1998, 7-бет.

<sup>2</sup> Каримов.И.А. Уша манба. 10-бет.

тарқатишнинг глобаллашуви бир томондан инсоният тарққиётини, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабат ва ҳамкорликларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган бўлса, яна бир жиҳатдан эса, бу каби жараёнлар кучли мафкуравий таъсир воситалари ҳамдир.

Давлат ва жамиятнинг, умуман одамларнинг янгилашиши ва тарққиёти мафкурага янгича қарашни талаб этмоқда. Бу ижтимоий воқеликка, фуқароларнинг яшаш дастурига айлангандагина жамиятда мафкуравий бўшлиқ бўлмайди. Мустақиллик жамият тарққиётининг мақсад ва манфаатларимизга мос мафкуравий йўналишига имкон берди. Лекин шу билан бирга мустақилликкача бўлган мафкура янгича мазмун ва моҳиятни ифодалаган жамият мафкураси шаклланишига маълум маънода тўскинлик ҳам қилипти. Бу ўз навбатида жамиятда мафкуравий бўшлиқ вужудга келишининг ўзига хос омили бўлиши билан бирга турли кўринишдаги мафкура ва қарашларнинг вужудга келишига ҳам олиб келди. Бундай ҳол эса, мафкура муаммосини янгича асосда, янгича шаклда дунёвий тарққиётдан келиб чиқиб, таҳлил ва тадқиқ қилишни тақозо қилади: Биринчидан, сиёсатга бўйсундирилган, жамиятнинг маълум бир қисмининг мақсад ва манфаатларини ифода этган мафкурадан, яъни мафкуравий ақидапарастликдан бутунлай холи бўлиш; иккинчидан, мақсад ва манфаатларимизга, жамиятнинг дунёвий тарққиётига зид бўлган турли мафкура ва ғояларга қарши кураш; ва ниҳоят учинчидан эса, фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги асосида янгича тафаккурнинг шаклланишига, миллий ўзликнинг уйғониши ҳамда ўсиши учун назарий ва амалий таянч бўлиб хизмат қилади.

Муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси. Мафкура мавзуси вужудга келибдики, фанда турли илмий баҳсларга сабаб бўлиб келяпти. Мафкура ва жамият тарққиёти уйғунлиги муаммолари доимо мутахассислар эътиборида бўлиб келган. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида жамиятимиз мафкураси қандай бўлиши, шу билан бирга уни қандай номлаш керак деган масалалар атрофида қизгин илмий баҳслар бўлган эди. Ҳозирда эса миллий мафкуранинг жамият тарққиёти ҳар бир фуқаронинг ҳаёти билан боғлиқлиги ҳамда ижтимоий-маънавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдаги амалий вазибаларига эътибор қаратилмоқда.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон тарққиётининг мафкуравий асоси ва ғоявий йўналишларини ўзининг бир қатор

асарларида белгилаб бериб, мафкурасиз жамият, давлат, инсон бўлмаслигини асослаб берган<sup>1</sup>.

Мустақиллик йилларида фикрлар ва қарашлар хилма-хиллигига асосланган жамият мафкурасининг янги илмий концепцияси у ёки бу жиҳатдан илмий таҳлил қилиниб, унинг мақсад ва вазифаларини ўзида ифода қилган мақолалар, монографиялар эълон қилинди. Илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мавжуд тадқиқотларни миллий мафқуранинг шаклланиши, мақсад ва вазифалари, хусусиятлари, тарихий асослари ҳуқуқий ва ижтимоий психологик жиҳатлари илмий таҳлил қилинганлигига қараб куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин. *Биринчи гуруҳга* мансуб адабиётларда муаммонинг ижтимоий-фалсафий, маънавий жиҳатлари ўрганилган. А.Жалолов, А.Очилдиев, Х.Пўлатов, Б.Тўраев, Ж.Туленов, М.Усмонов, А.Эркаев каби олимларнинг асарларида кўпроқ жамият мафкурасининг асосий мазмун-моҳияти, ижтимоий вазифалари, мақсадлари таҳлил этилган бўлса, Д.Азимова, Ж.Бахронов, М.Бекмуродов, Н.Комилов, Қ.Назаров, А.Чориев, Х.Шайхова ва бошқа олимлар муаммонинг маънавий жиҳатларига, миллий ва умуминсоний хусусиятларига эътибор қаратганлар<sup>2</sup>; *Иккинчи гуруҳга* киритилган адабиётлар муаллифлари С.Жўраев, Н.Жўраев, Б.Иминов, С.Отамуродов, Б.Тўйчиев, И.Эргашев каби мутахассислар ишларида миллий мафқура муаммосининг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари ўрганилган<sup>3</sup>; *Учинчи гуруҳга* жамият мафқураси шаклланишининг ҳуқуқий муаммолари ўрганилган тадқиқотлар киритилган. А.Азизхўжаев, С.Каримов, Ж.Тошқулов,

<sup>1</sup> Фойдаланилган адабиётлар рўйхатига қаралив.

<sup>2</sup> Жалолов.А. Мустақиллик маъсулияти. Т.: «Ўзбекистон», 1996; Очилдиев.А. Миллий мустақиллик мафқураи? гоъми? «Миллий тикланиш», 1999. 16 февраль; Пўлатов.Х. Мафқуравий ҳукмдорлик. «Мулоқот», 1991 №1; Ўзбек мафқураси «Мулоқот», 1991. №6-7; Тўраев.Б. Миллий мафқура ва миллий гоъянинг концептуал асослари. «Миллий тикланиш», 1999. 24 август; Туленов.Ж. ва бошқалар. Истиклол ва тараққиёт мафқураси: мақсад ва йўналишлари. Т.: «Ўзбекистон», 1993; М.Усмонов мафқура муваққат бўлмайди. «Ўзбекистон овози», 1993. 12 май; Эркаев.А. Халқ орзуси - миллий гоъя кўзуси. «Тафаккур», 2000. №4. Азимова.Д. Миллий кадриятлар ва ижтимоий ҳаёт. «Тафаккур», 1997. №3; Бахронов.Ж. Миллий ўзликни англаш. «Фан ва турмуш», 1996. №2; Бекмуродов. М. Ўзбек меъналатети хусусиятлари. «Ижтимоий фикр», 1998. №1; Комилов.Н. Миллий мафқура зарурати. «Жамият ва бошқарув», 1998. №3; Шайхова.Х. Назаров.К. Умуминсоний кадриятлар ва маънавий камолот. Т.: «Ўзбекистон», 1992; Назаров.К. Аксиология - кадриятлар фалсафаси. Т.: «Маънавият», 1998; Миллий мафқура, маърифат ва буюк келажак. (Давра суҳбат) «Тафаккур», 1998. №4; Чориев.А. Миллий истиклол мафқураси ва унинг асосий хусусиятлари. «Мулоқот», 1996. №4.

<sup>3</sup> Жўраев. Н. Алар оғох сен... Т.: «Езувчи», 1998; Тарих фалсафаси ва сиёсат. «Халқ сўзи». 1999. 8 январь; Жўраев. С. Утиш даври: миллий мустақиллик мафқураси. «Ватан», 1994. №5-6; Иминов.Б. Маънафатлар ва мафқуравий муносабатларни такомиллаштириш. «Миллий тикланиш», 1997. 11 март; Отамуродов.С. Мафқура: у қандай бўлиши керак. «Ватан», 1993. 17 ноябрь; Эргашев.И. Қишлоқ сиёсий-ижтимоий жараёнлар тизимида. Т.: «Шарқ» 1998; Тўйчиев.Б. Сиёсий маданият - маънавий кадриятларнинг алоҳида тизими. «Халқ ва демократия», 1992. №7.

Р.Қаюмовларнинг монография ва мақолаларида миллий мафқуранинг давлатчилик тарихи ва қонунчилик анъаналари билан боғлиқлиги кенг ёритилган<sup>1</sup>; *туртинчи гуруҳга* мансуб адабиётларда яъни Б.Аҳмедов, Ҳ.Зиёев, А.Маврулов ва Т.Қаҳҳорларнинг монография ва илмий мақолаларида миллий мафқуранинг тарихий асослари, ўтмишда мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган давлатлар мафқураларининг асосий хусусиятлари илмий таҳлил қилинган<sup>2</sup>; *бешинчи гуруҳга* муаммонинг ижтимоий-психологик жиҳатлари ўрганилган адабиётлар киритилди. Ҳ.Алимов, А.Имомова, И.Худойбердиев, М.Қурбонов, М.Қуроновларнинг изланишларида муаммонинг ижтимоий руҳият, тарбия ва миллий психология билан боғлиқлик жиҳатлари ўрганилган<sup>3</sup>.

Мустақиллик йилларида миллий мафқура муаммосига у ёки бу даражада дахлдор илмий тадқиқотлар ҳам амалга оширилди<sup>4</sup>. Уларда манфаатларнинг сиёсат ҳамда мафқуранинг манбаи эканлиги, шахс миллий ўзлигини англаш жараёнида мафқуранинг вазифалари, мустақилликнинг мустаҳкамланишида маънавий-мафқуравий омилнинг ўрни, миллий мафқуранинг моҳияти, манбалари ва ижтимоий вазифалари ўрганилган.

Юқорида қайд этилган адабиётларнинг таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, миллий мафқуранинг тарихий асослари, шаклланиши, миллий манфаатлар билан боғлиқ жиҳатлари, шахс миллий ўзлигини англашидаги вазифалари, миллий ривожланишнинг маънавий-мафқуравий муаммоларининг назарий ва амалий жиҳатлари у ёки бу даражада ўрганилган. Лекин жамият мафқурасининг тадрижий ривожланиши билан боғлиқ илмий-назарий муаммолар алоҳида тадқиқот мавзуи сифатида эътибордан четда қолмоқда.

Муаммога бағишланган баъзи адабиётларда мафқура сиёсат

<sup>1</sup> Азизжўяев. А. Давлатчилик ва маънавият. Т., «Шарқ», 1997; Каримов. С. Салтанат қонун билан сарбаланд. «Тафаккур», 1995. №1; Тошқолов. Ж. Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий фикрлари тарихидан. Т., «Ўзбекистон», 1996; Қаюмов. Р. Фуқаролик жамияти ва инсон манфаатлари. «Ҳуқуқ», 1998. №1.

<sup>2</sup> Аҳмедов. Б. Тарихни соқталаштириб бўлмайд. «Шарқ юлдузи», 1989. №6; Қаҳҳор.Т. Хур Туркистон учун. Т.: "Чўпон", 1994; Зиёев.Х. Амир Темур давлатининг мафқураси. "Мулоқот", 1995, №9-10; Маврулов.А. Мафқурамиз манбалари. "Мулоқот", 1997. №4.

<sup>3</sup> Алимов. Х. Миллийлик ва ижтимоий руҳият. Т., «Ўзбекистон», 1992; Миллий гурурни тарбиялаш бўйича тавсиялар. Т., «Университет». 1995; Худойбердиев. И. Ислоҳ, шахс ва миллий психология. Т., «Ўзбекистон». 1994; Имомова. А. Тарбия ва исломий кадриятлар. «Фан ва Турмуш», 1996. №2; Қурбонов. М. Камолот мезони. «Мулоқот», 1997. №3; Қуроно. М. Мафқуравий тарбия: уни амалга оширишнинг айрим услубий жиҳатлари. «Маърифат», 2000. 4 октябр.

<sup>4</sup> Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида қарилсин.

билан айнанлаштирилган бўлса, баъзиларида эса маънавият билан тўла боғлиқликда таҳлил қилинган<sup>1</sup>. Мафқуранинг сиёсий билимларга таянган бўлиши ҳамда сиёсатдан устун туриши, шунингдек, маънавият билан айнанлаштирилиши унинг жамият тараққиётида тўла ўз ифодасини топишига тўсқинлик қилади. Агар мафқура маълум бир тизимга солинса, жамиятнинг барча соҳаларидаги ўрни чекланиши мумкин. Мафқура жамият тараққиётини эркинлаштириш билан бирга ўзи ҳам эркин ривожланиши керак. Агар бундай ҳол бузилса, мафқуравий зўравонлик вужудга келиши мумкин.

Диссертациянинг мақсади ва вазифалари. Жамият мафқурасининг миллий-тарихий негизлари, шаклланиши, амалий вазифалари ва ҳар томонлама асосланган ҳулосаларни бериш илмий изланишнинг мақсади ҳисобланади. Диссертацияда мустақил Ўзбекистоннинг мафқура борасидаги манфаатларини, муаммонинг асл мазмун-моҳиятини, миллий-тарихий негизлари ва шаклланишини тадрижий ҷуқғам назардан ўрганиш ҳамда мавзунинг жамият тараққиёти билан боғлиқлигини кўрсатиш назарда тутилган.

Бу эса, тадқиқотнинг қуйидаги вазифалари ечими билан белгиланади:

Биринчидан, янги жамият мафқурасининг шаклланиши тарихий хотира, давлатчилик тажрибаси, миллий маънавий мерос ҳамда халқнинг миллий ўзига ҳослиги билан боғлиқлик муаммосини ўрганиш;

Иккинчидан, жамият мафқураси тизимида миллий ва умуминсоний кадрятларнинг ўрни, тарихий кадрятлар билан замонавий демократик кадрятларни уйғунлаштиришнинг муҳим жиҳатларини таҳлил қилиш;

Учинчидан, жамият мафқурасининг шаклланишида миллий ғоя миллий гуруҳ ва миллий ўз-ўзини англаш жараёнларининг ўзаро мутаносиблигини асослаш;

Тўртинчидан, жамиятда барқарорликнинг таъминланиши миллий мафқура шаклланишининг муҳим омилли эканлигини;

Бешинчидан, жамият мафқураси воситасида умуммиллий манфаатлар тизимининг қарор топиши ҳамда манфаатлараро мутаносибликнинг таъминланишини кўрсатишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг методологик ва назарий асослари. Тадқиқотнинг методологик ва назарий йўналишларини асослашда

<sup>1</sup> Бахронов.Ж. Мустақил Ўзбекистон Давлат сиёсатида шахс миллий ўзликни англаш муаммолари. (С.ф.д илмий даражаси учун дисс) Т.: 1995; Хайруллаев.М Иқтисодий ҳаёт ва мафқура. «Ўзбекистон овози» 1993. 26 май; Каюмов.Л. Мафқура ва маънавият. «Мулоқот». 1993. №9-10; Жалолов.А. Мустақиллик маъсулияти. Т.: «Ўзбекистон», 1996.



авваломбор, мамлакат Конституцияси, Президент Ислом Каримовнинг асарларида ҳамда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида илгари сурилган миллий ғоя ва миллий мафкура масалаларига оид қарашларга таянилди. Қатор мутахассисларнинг мавзуга доир мавжуд илмий ишлари ва мақолалари тадқиқот йўналишини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади. Диссертация давомида миллий мафкуранинг тадрижий тараққиёти тарихийлик, ворисийлик, маънавий-мафкуравий омиллар ҳамда умуммиллий манфаатларнинг устуворлиги тамойилларига амал қилинди. Шу билан биргаликда диссертацияда статистик маълумотлар, социологик сўровлар натижалари ва бошқа адабиётлардан кенг фойдаланганлиги ишнинг назарий ва илмий жиҳатдан савиясини ошишига ёрдам берган.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Диссертациянинг асосий илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат.

- «Жамият мафкураси» тушунчасининг ижтимоий-сиёсий моҳияти таҳлил қилиниб, унинг функцияси очиб берилган;
- Жамият мафкурасининг тарихий негизлари, шаклланиши ва амалиёти умумлаштирилган ҳолда таҳлил этилган;
- Жамият мафкураси тизимида қадриятларнинг ўрни қиёсий жиҳатдан ўрганилган;
- Умуммиллий ва ғоявий ўз-ўзини англашда мафкуранинг роли таҳлил этилган;
- Барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда жамият мафкураси маънавий омил сифатида ўрганилган;
- Умуммиллий манфаатлар «ижтимоий ҳамкорлик», «миллатлараро тотувлик», «динлараро бағрикенглик» тамойиллари асосида таҳлил қилинган;
- Мустақилликни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти қуриш жараёнида давлат ва жамият муносабатлари мафкуравий асосда таҳлил этилган.

Талқикотнинг назарий ва амалий аҳамияти.

Диссертациянинг таҳлилий натижалари ва амалий хулосалари мафкуравий тарғибот ва тарбияни амалга ошириш жараёнида ижтимоий соҳа ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари учун қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ундан Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилиги ҳамда Миллий мафкура илмий тарғибот марказларининг оммавий-маданий ҳамда миллий мафкурани ўрганишга доир амалий тадбирларида асосий манба сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот хулосаларидан Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», «Маънавият

асослари» курслари бўйича ўтказиладиган машғулотларда ижодий фойдаланса бўлади.

**Диссертациянинг тақдироти.** Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг "Фалсафа" кафедраси илмий-тадқиқот йўналиши бўйича амалга оширилди.

-Диссертация мутахассис ва олимлар иштирокида Академия "Фалсафа" кафедраси мажлисида;

-Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институти "Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедрасида;

-Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедрасида;

-Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги фан доктори илмий даражасини бериш бўйича Д.005.10.01. Ихтисослашган Кенгаш қошида ташкил этилган илмий-назарий семинарларида муҳокама қилиниб ҳимояга тавсия этилган.

Ишнинг асосий мазмуни ва моҳияти, ҳулоса ва натижалари муаллиф томонидан "Ҳаёт ва қонун", "Жамият ва бошқарув", "Қонун ҳимоясида" журналлари ҳамда "Хуррият" газетасида эълон қилинган илмий мақолаларда, шунингдек, муаллифнинг Ўзбекистон радиоси орқали берилган «Мувозанат, муносабат, мулоҳаза», «Моҳият ва талқин», «Аср сўнгида янги аср ҳақида ўйлар» деб номланган туркум илмий-публицистик эшиттиришларида ҳам ўз ифодасини топган.

**Диссертациянинг тузилиши.** Диссертация кириш, икки боб, олти параграф, ҳулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

## II. Диссертациянинг асосий мазмуни

Тадқиқотнинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ишланганлик даражаси, ишнинг мақсад ва вазифалари, методологик ва назарий асослари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, диссертациянинг тақдироти ва тузилиши тавсифланади.

Диссертациянинг «Жамият мафқурасининг миллий-тарихий негизлари» деб аталувчи I-бобида жамият мафқураси тушунчасининг мазмун-моҳияти, бу ҳақдаги турли қарашлар, унинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳамда миллий-тарихий негизлари илмий асосга қўйилган. Шунингдек, жамият мафқурасининг шаклланиш жараёнида кадрлар қиёсий жиҳатдан ўрганилган.

Тарихий ва замонавий демократик кадриятлар уйғунлашган ҳолда таҳлил этилган.

Биринчи бобнинг «Жамият мафқураси: тушунча ва мохият» деб номланган биринчи қисмида жамият мафқурасининг ўзи нима? Миллий мафқуранинг жамият тараққиёти давомида бажарадиган асосий функцияси нимадан иборат каби масалалар таҳлил қилинган. Шунингдек, «Жамият мафқураси», «истибод мафқураси», «давлат мафқураси» каби ижтимоий-сиёсий тушунчаларнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни қисий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Маълумки, мафқура тушунчаси сиёсат, давлат, ижтимоий гуруҳлар манфаатларига ва бу манфаатларнинг ўзгаришига мос равишда изоҳланиб келинган. Турли сиёсий тизимларда мафқурага турлича қаралади, ижтимоий ҳаёт ана шу мафқура мезонлари билан уйғунлашади. Шундай экан, жамият тараққиётининг умумий стратегиясини мафқурадан тўла холи қилиш мумкин эмас ва муаммони бу тарзда қўйишнинг ўзи амалий самарасиздир. Чунки жамият ривожини мафқура билан чамбарчас боғлиқ, бири иккинчисини инкор этмайди. Жамиятнинг бутунги тараққиёти ҳам, эртанги истиқболлари ҳам мафқуравий муносабатлар жараёнида кўзга ташланиб бормоқда. Мафқура ана шу жиҳатдан ҳам доимо жамият тараққиётида йўналтирувчи куч бўлиб хизмат қилган. «Миллий гоё ва мафқура ўзида гуманизм талабларини, халқнинг ирода ва интилишларини акс эттирган тақдирда жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳият ва имкониятларини тўла юзага чиқаришда беқиёс омил бўлади»<sup>1</sup>.

Миллий мафқуранинг асл мазмуни, мохияти, унинг олдига қўйган асосий вазифаси тўғрисида Ислоҳ Каримов шундай деган эди: "Янги мафқуранинг асл мазмуни - янгича, эркин фикрлайдиган, мутелек ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир"<sup>2</sup>. Ўзбекистон Конституциясида мамлакат тараққиётининг асосий йўналишлари, халқнинг орзу-умидлари ифода этилган бўлиб, унда ҳеч қайси мафқура давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги таъкидланган<sup>3</sup>.

Диссертант миллий мафқуранинг мақсад ва йўналишлари, вазифалари Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ҳамда мустақилликни мустаҳкамлашдан иборат эканлигини қайд этган ҳолда давлат, жамият ва инсон манфаатларини бирлаштирадиган, халқнинг барча орзу умидларини рўёбга чиқарадиган, тарих билан бутунги кунни

<sup>1</sup> Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: «Ўзбекистон» 2000, 14-бет.

<sup>2</sup> Каримов. И. А. Биздан озоод ва обод ватан қолсин. Т.2. Т.: "Ўзбекистон" 1994, 110-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 12-модда. Т.: "Ўзбекистон", 1992. 5-бет.

боғлайдиган, шу билан биргаликда келажак тараққиётни акс эттирадиган жамиятдаги барча табақалар, сиёсий партиялар, миллатлар ва элатлар манфаатларини умумий мақсад сари бирлаштирадиган, илмий асосга эга бўлган мафкурани шакллантириш лозимлигини таъкидлайди. Миллий мафкуранинг негизида битта мақсад ётибди. У ҳам булса Ўзбекистоннинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий мустақиллигини мустаҳкамлаш, жамиятнинг фаровонлигини ҳамда мамлакатда барқарорликни таъминлашдан иборатдир.

Президент Ислом Каримов “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоб берад экан, жамият мафкурасига шундай таъриф беради. “Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажagini кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир гоёни мен жамият мафкураси деб биламан”<sup>1</sup>.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши билан бирга жамият мафкурасининг тараққиётдаги ҳамда ижтимоий-маънавий барқарорликни таъминлашдаги ўрни ва роли ойдинлашиб боради. Умаран олганда халқни, жамиятдаги сиёсий кучларни, жамоат ташкилотларини ягона умумий мақсад сари жиқлаштирадиган маърифий куч мафкурадир. Жамият мафкураси ҳам мустақил мамлакатнинг тимсоллари (байроқ, герб, мадҳия) сингари ўз тараққиёти ва манфаатига эга мустақил давлатнинг ифодасидир.

Тадқиқотчи миллий мафкура борасида билдирилган барча фикр ва мулоҳазалар асосида, мафкуранинг жамият тараққиётидаги мувозанатни таъминлаш функциясини алоҳида ажратиб кўрсатади. Давлатнинг куч-қудратини ва жамиятнинг маърифийлигини, миллатнинг маънавий баркамоллигини ўзида ифода этадиган гоёлар тизими миллий мафкура десак, хато қилмаган бўлаемиз. Шунинг учун ҳам бундай мафкура жамиятда мувозанатни таъминлашга хизмат қиладиган турли гоёларни ўзида мужассамлаштиради. Мафкура ҳар бир давлатда жамиятнинг барча соҳаларида амалга ошириладиган ўзгаришларни таъминлашда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий гоёлар билан уйғунлашиб ҳаракат қилиши лозим. Агар шундай бўлмаса, жамият ижтимоий ҳаётидаги мувозанат бузилиши мумкин. Ижтимоий ҳаётда мувозанатни таъминлаш вазифасини эса ушбу жамиятнинг мафкураси таъминлайди. Шу боис ҳам Ислом Каримов жамият

<sup>1</sup> Каримов И.А. Жамиятмиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 11-бет.

мафкурасини халқни-халқ, миллатни-миллат қиладиган куч сифатида эътироф этади.

Биринчи бобнинг «Миллатнинг тарихий хотираси жамият мафкураси шаклланишида бош омил» деб номланган иккинчи парагрифида миллий мафкуранинг шаклланишида тарихий хотира, миллий менталитет, миллий давлатчилик, маънавий, исломий, илмий ва баъдий мероснинг ўрни таҳлил этилган.

Жамият тараққиёти тарихга теранроқ назар ташлашни, ундан ижтимоий тараққиёт учун зарур бўлган жиҳатларни олишни тақозо этади. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида тарих ва келажак масаласига бир хилда эътибор берилаётгани мамлакат миллий тараққиёт стратегиясининг тўғри ва аниқ белгиланганини кўрсатади.

Албатта, жамият янгиланиши учун ўзининг мафкуравий асосларини яратиши керак. Бунинг учун эса, биринчи гада ўтмишга, тарихга муурожаат қилинади. "Тарихий хотира - ҳар бир халқ, миллат ўзининг замон ва макондаги ўрнини, насл-насабини, ўзлигини англаши, ўзининг ҳақиқий тарихини, келиб чиқишини, инсоният тарихида тутган ўрнини, унинг ривожига қўшган ҳиссасини, ўзининг миллий ифтихорини мустақил ва ҳолисона англаб олишидир"<sup>1</sup>. Тарихий хотира ана шу жиҳати билан ҳам жамият тараққиётида муҳим ўрин тутиб, унинг маънавий-мафкуравий асоси бўлиб хизмат қилади.

Мустақил давлат сифатида жаҳон сиёсат майдонида ўзига хос мавқега эга бўлаётган Ўзбекистон учун, айниқса, ўрта аср давлатчиликлари тажрибаси, унинг сиёсий ва ҳуқуқий тафаккури муҳим аҳамиятга эга. "Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим, - деган эди Ислом Каримов, - нега деганда, Амир Темур тузуқларини ўқисам худди бугунги замоннинг катта-катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан. Шунинг учун стратегияни жуда пухта ўйлаш керак. Балки, ота-боболаримиз қолдирган меросдан фойдаланиб, ўзимизга хос, ўзимизга мос стратегияни ишлаб чиқиш керак бўлади"<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, бунинг учун нафақат Амир Темур ва Темурийлар давлатининг гоявий асосларини, балки халқнинг тарихий давлатчилик ва қонунчилик меросини теран талқин қилиш керак. Ҳар қандай мафкура ўздан олдин ўтган мавжуд умуминсоний қадриятларни қабул қилади ва шуларга таянади. Сиёсий-ҳуқуқий тарихимизга жиддийроқ назар ташлаш, ҳозирги давлатчилик

<sup>1</sup> Насриддинов. А. Давр ва ижтимоий фалсафий мерос. "Мулоқот", 1999, №4 11-бет.

<sup>2</sup> Каримов. И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: "Ўзбекистон", 1993. 198-бет.

сиёсати, миллий мафқуранинг илдизлари, унинг ҳуқуқий асослари Низомулмулкнинг "Сиёсатнома", Амир Темурнинг "Темур тузуклари", Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг "Хидоя" каби ноёб асарлари билан мужассамлашганини кўрсатади.

Тарихдан маълумки, ҳеч бир давлат ўз тарихий тараққиёти давомида бир текис ривожланмаган. Бу бир томондан турли ижтимоий тузумлар сиёсати билан изоҳланса, иккинчи томондан эса, давлатларнинг моддий ва маънавий ўзига хослиги билан белгиланади. Лекин шунга таъкидлаш лозимки, ҳар қандай тузумда, ҳар бир тарихий даврда моддий ва маънавий тараққиёт маълум бир мафқурага таянган. Бошқача айтганда, давлатларнинг тарихий тараққиёти барча даврларда ҳам ўзига хос мафқура билан боғлиқ бўлган.

**Биринчидан,** маънавий мерос ва тарихий хотирани тўла идрок қилмаган халқнинг келажаги бўлмайди. Бундай миллат тобора манқуртлашиб тубанликка қараб боради. Мустақиллик йиллари Ўзбекистон учун давлатчиликни қайтадан қарор топтириш, демократик жараёнларни ривожлантириш, тарихий хотирани, маънавиятни тиклаш даври бўлди.

**Иккинчидан,** тарихий хотирани, маънавий меросни англаб етиш, жамиятнинг ғоявий бўшлиққа тушиб қолмаслигини муҳим омилдир.

Диссертант миллий мафқуранинг эволюцион шаклланишини халқнинг тарихи билан боғлиқ омиллар асосида ажратиб кўрсатади. Шунингдек, миллий мафқуранинг шаклланиши, мантиқан бир-бирини тўлдириши ва тақоза қилишини илмий асослаб берган.

Диссертациянинг ушбу бобидан ўрин олган «Жамият мафқураси тизимида қадриятларнинг ўрни» деб аталувчи параграфда жамият мафқурасининг шаклланишида қадриятларнинг ўрни, улар ўртасидаги боғлиқлик илмий асосга қўйилган. «Қадрият» тушунчасининг мазмун-моҳияти жамият тараққиётидаги, инсоният ҳаётидаги ўрни илмий таҳлил этилган. Қадриятлар таркибий қисмларга бўлинган ҳолда кўриб чиқилган. Диссертацияда мамлакатимиздаги бугунги ижтимоий муносабатлар тарихан шаклланиб келаётган ахлоқий мафқурага асосланганлиги таъкидланади. Маънавий-тарихий қадриятлар билан замонавий демократик қадриятларнинг ўзаро уйғунлиги асосида жамият тараққиётининг маърифий ривожланиш тамойиллари асосланган. Дарҳақиқат, жамиятнинг янгилиниши ва инсон тафаккурининг кенгайиши бир томондан, маънавий қадриятлар билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан эса, ана шу қадриятларга бугунги кун нуқтаи назари билан қараида намоён бўлади.

Муаллиф миллий мафкура, миллий ва умуминсоний кадрият, миллий мустақиллик каби тушунчаларни бир-бири билан ҳамоханликда ўрганишга ҳаракат қилган. Миллий мафкура, миллий ғоя, миллий истиклол тушунчалари миллий кадриятлар сифатида таҳлил қилинган бўлса, эркинлик, мустақиллик, демократия каби тушунчалар умуминсоний кадриятлар сифатида тавсифланган. Озодлик, хурфикрлик, ошқоралик, адолат, биродарлик каби ҳаётий тамойиллар эса, фуқаролик жамиятининг асосий кадриятлари сифатида ўрганилган.

Бугунги дунё тараққиёти ўзида ифода этаётган кадриятлар қаторига ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари, тadbиркорлик эркинлиги, матбуот эркинлиги, эътиқод эркинлиги каби ҳаётий демократик кадриятларни ҳам қириштириш мумкин. Мазкур демократик кадриятлар жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга. "Бу кадриятлар тарихий жиҳатдан ҳам халқимизнинг ўзига хос хусусиятларига зид эмаслигини қайта-қайта таъкидлашни истардик, қолаверса, тadbиркорлик, эркин савдо, ижтимоий адолат, ўзаро мурося-ю мадора ва бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилиш деган тушунчалар бизнинг заминимизда тарихий илдизларга эга"<sup>1</sup>, - деб таъқидлайди Ислоҳ Каримов.

Диссертацияда айтиб ўтилганидек, кадриятлар ижтимоий-маънавий тараққиёт давомида муайян ғоявий макондан ўрин олиб, жамиятни мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамлайдиган маънавий ҳодисага айланиб боради. Шу маънода жамият мафкураси ўзида муайян сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, ахлоқий, бадиий, диний ва бошқа кадриятлар тизимини мужассамлаштиради.

Миллий мафкура шаклланиши жараёнида халқнинг ўз ҳаётий кадриятларига эга бўлган муайян ижтимоий онгги шаклланишини ҳам ҳисобга олиш керак. Бугунги дунё тараққиёти тажрибаси бозор муносабатларига кўпроқ умумижтимоий кадриятлар асосида ўтиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Кўп миллатли мамлакатимизда жамият мафкурасининг таъсирчанлигини оширувчи энг муҳим омил ҳам унинг миллий ва умуминсоний кадриятларга таянишидир. Ана шу жараёнда жамият мафкураси халқнинг тарихий, маданий, миллий кадриятларини бирлаштирадиган улар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган кучга айланади. Кадриятлар ўртасидаги ана шу мувозанат механизми, яъни, жамият мафкурасининг умуминсонийлигини, халқчиллигини кўрсатади. Умуминсоний кадриятларсиз мафкура миллий маҳдудлик доирасида қолиб кетади.

<sup>1</sup> Каримов. И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: "Ўзбекистон", 1998. 533-бет.

Шу жиҳатдан ҳам шаклланаётган миллий мафқуранинг муҳим таркибий қисми сифатида умуминсоний қадриятлар эътироф этилмоқда.

Ҳар бир даврнинг энг муҳим вазифалари, талаб ва тақлифлари, шунингдек, эҳтиёжлари бўлади. Мустақиллик ва жамият мафқураси миллатлар ва халқлар тақдирига тааллуқли муаммоларини хал қилиш билан бирга миллий қадриятларимизнинг қатор муаммоларини ҳам олдимизга қўйди. Бутунги кунда миллий қадриятлар асосида ўзликни англаш, маънавий мерос олдидаги масъуллик каби муаммоларга катта эътибор қаратиляпти. Ҳар бир инсоннинг ўз миллати қадрият ва анъаналари, шунингдек, умумбашарий қадриятлар асосида камол топиши амалда кўзга ташланмоқда. Мафқуравий соҳадаги энг муҳим масала ҳам бой маданий, тарихий қадриятларни тиклаш баробарида ижтимоий тарбияни йўлга қўйишдир.

Жамиятдаги турли хил таҳдидларни вужудга келтираётган ҳолатларга қарши курашиш жараёнида, руҳий-маънавий кураш механизмини шакллантиришни давр тақоза этипти. Бу руҳий-маънавий механизм эса жамият мафқурасини ҳар томонлама камол топтиришга хизмат қилгандагина катта кучга айланади.

**Биринчидан**, миллий ва маънавий қадриятларимизни тўла идрок қилмасдан, маънавий баркамолликка, шунингдек, мустаҳкам жамият мафқурасига эга бўла олмаимиз. Бу жараён халқнинг ўз-ўзини англаши билан боғлиқ.

**Иккинчидан**, жамият мафқурасининг маънавий ва ғоявий мустаҳкам бўлишида умуминсоний қадриятларнинг ўрни катта. Шунинг учун умуминсоний қадриятларни тарғиб қилган алломалар асарларини ўрганиш, уларнинг қарашларига янгича тафаккур нуқтаи-назаридан қараш, ёндашиш лозим.

**Учинчидан**, жамият мафқураси шаклланаётган, миллий ўзликни англаш жараёни давом этаётган ҳозирги даврда барча миллат ва элат вакилларининг миллий қадриятларини, маънавий меросларини ўрганиш фойдадан холи эмас.

**Тўртинчидан**, дунёвий давлат кураётган жамият учун миллий маданият ва қадриятларни баҳолашда диннинг қадрият сифатидаги ўрнини пасайтириш ёки кўтариб кўрсатиш тўғри келмайди. Дин - сиёсат эмас, балки маънавият, иймон ва эътиқоддир. Динни сиёсат даражасига кўтариш учун ижтимоий эҳтиёж ҳам йўқ. Агар жамият ҳаётида унинг акси юз берса, бундай ҳол умуминсоний тараққиёт мезонларига зид келиш билан бирга, жамиятнинг маърифий тараққиётига ҳам тўсқинлик қилади. Жамият мафқураси фақат инсонни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда диний анъана ва



кадриятларга таянади. Мақсад диний кадриятларни хурмат қилган ҳолда, моҳият жиҳатидан дунёвий бўлган мафқурани яратишдир.

**Иккинчи боб «Жамият мафқураси ва фуқаровий ҳамжиҳатликни таъминлаш вазифаларининг уйғунлиги»** деб номланган. Ушбу бобда миллий ғурур ва миллий ўз-ўзини англаш жараёнларининг жамият мафқурасини мустаҳкамлашдаги ўрни мамлакатдаги тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни, шунингдек, ҳаётимизда умуммиллий манфаатларнинг устуворлигини таъминлашдаги вазифалари ўрганилган. Муаммо «ижтимоий ҳамкорлик», «миллатлараро тотувлик», «динлараро бағрикенглик» тамойиллари асосида таҳлил қилинган. Барқарорликнинг таъминланиши учун эса, жамият маънавий-мафқуравий муҳитининг соғлом бўлиш кераклигини илмий асослашга ҳаракат қилинган. Айниқса, бу жараён янгиланаётган жамият учун муҳим аҳамиятга эгадир. Шундай экан, миллий мафқура мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро ҳамжиҳатликнинг маънавий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ушбу бобнинг «Миллий ғурурнинг миллий ўз-ўзини англаш даражаси эканлиги» деб номланган биринчи параграфиди миллий ўз-ўзини англаш билан миллий ғурур тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, "миллий ғурур", "миллий ифтихор", "миллий ўз-ўзини англаш" каби тушунчаларнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти таҳлил қилинган. Жамият мафқурасининг шаклланишида миллий ўз-ўзини англаш ва миллий ғурур жараёнлари ўрганилган.

Янги жамият мафқурасини шакллантириш жараёнида вужудга келган турли муаммоларни ҳал қилиш ва Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги тўла ҳуқуқли мавқеини мустаҳкамлаш ва оширишда миллий ғурур омили алоҳида ўрин тутди. Миллий ғурур фақат миллатнинг ютуқларидан фахрланиш ҳисси бўлибгина қолмай, жамият тараққиёти учун масъуллиқни ҳам ўзига қамраб олади. Ҳозирги тарққиёт шуни кўрсатмоқдаки, миллий ғурур ҳар бир халқ ҳаётида ижтимоий - маънавий ҳодисадан ижтимоий - сиёсий ҳодисага, воқеликка айланиб борапти. Шу маънода миллий ғурурни Ўзбекистон шароитида икки жиҳатдан фарқлаш лозим. **Биринчидан**, миллий ғурур деганда, аввало, мамлакатга ном берган халқнинг шаънини, миллий ҳис-туйғуларини англасак. **Иккинчидан** эса, мамлакатда истикомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари ҳис-туйғуларини, кадриятларини, манфаатларини ифодаловчи умуммиллий, тўғрироғи умумжамият ғурурини тушуниш керак. Бугунги кунда фуқаролар олдида турган ана шу икки жиҳатни уйғун ривожлантириш мамлакат юксалишининг зарурий омили сифатида қаралмоқда.

Миллий ғурур туфайли халқ ўзлигини англайди. Миллий ўзликни англаш эса, ўз навбатида халқларнинг босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлига, кадриятларига, урф-одатларига бугуннинг руҳи билан қараб, янгича мезонлар асосида ривожланишини англатади.

Диссертацияда таъкидланганидек, жамият тараққиётининг қонуний талаблари шундаки, ўз қадрига етмаган халқ, аста-секин ўзининг тарқоклиги туфайли емирилиб бориши, умумтараққиётдан орқада қолиб, ўзлигини йўқотиши мумкин. Шунинг учун ҳам барча миллат вакиллари бирлаштириб умумтараққиётга эришиш, ўз-ўзини англашнинг зарурий омилларидан бирига айланиб бормоқда. "Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан гоят ранг - баранглиги миллий ўзликни англаш ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни очик жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитлар вужудга келтиради"<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда мамлакат аҳолисининг миллий таркибининг ўзига хослигини инобатга олиб иш юритиш ижтимоий ларзаларсиз тараққиётга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бу эса Ўзбекистон танлаган йўлнинг асосий мазмун моҳиятига мосдир.

Миллий ўз-ўзини англаш умумдавлат, умумжамият манфаатларини ақс эттирадиган мезондир. Бошқача айтганда, давлат ва жамият тараққиётини юқори даражага кўтариш жараёнида ўз-ўзини англаш умуммиллий зарурий омилга айланади. Шунингдек, миллий тараққиёт давомида вужудга келадиган муаммоларни ҳал қилишда миллий ўз-ўзини англаш умуммақсад йўлида бирлаштирувчи куч даражасига кўтарилади.

**Биринчидан**, бу жараён мамлакатдаги барча миллат ва элат вакиллари ягона мақсад сари бирлаштиришда ҳамда "ягона оила", "ягона ватан" туйғуларининг шаклланишида;

**Иккинчидан**, миллий ўз-ўзини англаш орқали жамият мафқурасининг асосий мақсадларидан бири Ўзбекистонда яшовчи барча фуқароларнинг миллати ва эътиқодидан қатъи назар мустақилликнинг онгли фидойисига айлантиришда;

**Учинчидан**, дунёдаги барча давлат ва халқлар ичида Ўзбекистоннинг ўрнини англаб етишда ҳамда уни умумтараққиётга олиб чиқишда;

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: "Ўзбекистон", 1996. 42-бет.

**Тўртинчидан,** миллий ўз-ўзини англаш миллатларни бири-биридан ажратиш эмас, аксинча, улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда кўринади.

Шунинг учун ҳам миллий ўз-ўзини англаш давлат сиёсатига дахлдор муаммодир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида маънавий жиҳатдан миллийликка, унинг замиридаги кадриятларга, ҳаётимизда урф-одатлар устуворлигига ташна эдик. Бугун бу эҳтиёжларимиз бирмунча қондирилиб, ундан юқорирок бўлган умуммиллий ўз-ўзини англашга, умуммиллий ғурурни юксалтиришга эҳтиёж сезиляпти. Албатта, мамлакатдаги тинчлик ва барқарорлик миллий манфаатларнинг таъминланишига хизмат қилиши керак. Акс ҳолда, жамиятда манфаатлар номутаносиблиги юзага келиб, ижтимоий-сиёсий барқарорликка ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Ушбу бобнинг «Жамият мафқураси барқарорлик ва тараққиётнинг маънавий таянчи» деб номланган қисмида жамиятда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масаласида миллий мафқуранинг маънавий омил сифатидаги ўрни таҳлил қилинган.

Тадқиқотда мамлакатимиздаги барқарорлик одамлар онги, дунёқарагининг ўзгариши, демократик жараёнларнинг ривожланиши, мукамал конунчиликнинг шаклланиб бораётганлиги, сиёсий тизимнинг барқарорлиги, ички ва ташқи сиёсатнинг мафқуравий тебранишлардан холи эканлиги билан изоҳланган.

Диссертацияда таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистондаги миллий барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро муносабатларнинг мутаносиблиги, демократик тамойиллар асосида ривожланиши, мамлакатда маънавий муҳитнинг соғломлиги давлат сиёсатининг халқ орзу-умидлари билан уйғунлигининг натижаси эканлиги халқро ҳамжамят томонидан эътироф этиляпти.

Жамият, давлат ва инсон ўртасида барқарор уйғунлик таъминланган бўлса, бундай вақтда ҳеч қачон беқарор вазиятни вужудга келтирадиган кучлар ўз таъсирини ўтказа олмайдилар. Жамият мафқурасининг асосий мақсадларидан бири ҳам демократик тамойиллар асосида жамият, давлат ва инсон манфаатларини бирлаштиришдан иборат. Ҳозирги кунда бир томондан, мамлакатимиздаги барқарорликни мустаҳкамлашга жамиятнинг ижтимоий-руҳий, маънавий-маданий, ахлоқий ва тарихий иддиэлари таянган ҳолда эришиш мумкинлиги таъкидланаётган бўлса, иккинчи томондан эса, бу масалани халқро муносабатларсиз яъни, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамкорлик жараёнларисиз тасаввур қилиш қийин. Диссертацияда ана шу каби омиллардан келиб чиқиб Ўзбекистоннинг барча

соҳаларидаги миллий барқарор тараққиёт ва ривожланиш йўлини муаллиф уч даврга бўлади. Биринчи даврда яъни 1991-1995 йилларда Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланиши, миллий давлатчилигининг асосий тузилмаларининг, мамлакат ижтимоий тараққиёти ҳуқуқий асосларининг яратилиши муҳим омиллар сифатида ўрганилган. Иккинчи давр сифатида 1995-2000 йиллар олинган. Бу вақтга келиб Ўзбекистоннинг мустақил давлат сиёсати ҳалқаро майдонда тўла-тўқис эътироф этилиб, дунё ҳамжамиятида мустаҳкам мавқега эга бўлганлигига, шунингдек, фуқаролик жамиятининг асослари шаклланишига этибор қаратилган. Муаллиф ўз фикрларини статистик маълумотлар, социологик тадқиқотлар натижаларига таянган ҳолда асослашга ҳаракат қилган. Кейинги давр, Ўзбекистоннинг кучли давлатдан кучли жамият сари ривожланиш давридир. Бу Президент Ислам Каримов томонидан биринчи чакirik Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14-сессиясида илгари сурилган олти устувор йўналишда ўз ифодасини тошган. Улар янги аср, янги минг йилликнинг дастлабки йилларидаги мамлакатимизнинг тараққиёт ва барқарорлик стратегияси ҳамда жамиятнинг янгиланиши борасидаги фаолиятининг асосини ташкил этади. Ўзбекистондаги кейинги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда ана шу фикрга келинди.

Жамиятда барқарорликнинг таъминланишида бошқа муҳим омиллар билан бирга ягона давлат сиёсати ҳам бўлиши керак. Лекин бу давлат мафқураси бўлиши кераклигини аниқлатмасдан, балки барқарорликнинг таъминланишида, соғлом ғоявий муҳит яратилишида давлатнинг ўз зиммасига олган вазифаси мавжудлигини кўрсатади.

Мамлакатнинг тарихий ва мафқуравий асослари тараққиётнинг маънавий-маърифий тамойиллар асосида ривожланишини ифодалайди. Давлатнинг конституциявий, иқтисодий, мафқуравий асосларининг янада мустаҳкамланиши, унинг узоқ муддатли барқарор ички ва ташқи сиёсат олиб бориш имкониятларини кенгайтиради.

Бу каби муҳим жиҳатларнинг амалга ошиши албатта, жамиятда барқарорликнинг таъминланишида маънавий-мафқуравий омилларнинг ўрни қандай эканлигини кўрсатади. Зеро, барқарорлик тараққиётнинг муҳим омилidir.

Диссертациянинг сўнгги қисми «Умуммиллий манфаатлар тизими қарор топишида жамият мафқурасининг йўналтирувчи кучи» деб номланади. Мазкур параграфда халқимизнинг туб манфаатларини белгилаб олишда жамият мафқурасининг асосий вазифалари илмий асослашга ҳаракат қилинган. Жамият

манфаатларини ифода этадиган қонуний тенглик ва устуворлик тамойилларига таянадиган мафқурани шакллантириш масалалари ўрганилган. Албатта, давлат ва жамият манфаатлари ҳам фуқаро манфаатларидан келиб чиқиб амалга ошади ҳамда жамиятнинг демократик тамойиллар асосида ривожланишида давлатнинг ўрни қандай эканлигини кўрсатади. Ҳар бир давр мафқураси ўша давр давлатлари манфаатларидан келиб чиқиб, тараққиётнинг ижтимоий-сиёсий йўналишларини у ёки бу даражада белгилаб беришга хизмат қилади. Бошқача айтадиган бўлсак, ҳар қандай ғоявий-мафқуравий қарашлар мазмунида жамият ва миллат манфаати ётади.

Шунингдек, тадқиқотда «манфаат» тushunchасининг ижтимоий сиёсий моҳиятига ҳам эътибор қаратилган. Манфаат ижтимоий ҳодиса бўлиш билан бирга, жамиятнинг барча соҳаларига хос бўлган манфаатлар тизимининг ўзаро мутаносиблигини ифодаловчи омил ҳамдир.

Манфаатлар мутаносиблигининг мафқуравий жиҳатлари жамият ва шахс, давлат ва фуқаро манфаатлари муштараклиги билан боғлиқ. Дарҳақиқат, давлат ва жамият манфаатлари фуқаро манфаатлари билан уйғунлашмас экан, умуммиллий манфаатлар тизимининг қарор топиши қийин кечади. Манфаатлар тизимининг қарор топиши эса ўз навбатида давлат ва жамият ривожланишининг асоси бўлиб хизмат қилади. Диссертацияда эътироф этилганидек, турли мафқуравий қарашлардан қатъи назар, мамлакатимиз халқаро майдонда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш йўлидан бормоқда.

Жамият мафқураси тўла маънода, миллатнинг онгли ижтимоий фаолиятига айланадиган бўлса, нафақат миллий манфаатларни, шу билан биргаликда жамият тараққиётининг муҳим омилли - умуминсоний ғояларни ҳам тўла идрок этади. Бу, энг аввало муайян бир маконда яшаб келаётган халқлар манфаатларининг дахлсизлигини таъминлашни ҳамда умуммиллий мафқура учун бир бутун бўлиб уюлишни, бирлашишни аниглайди. Дарҳақиқат, жамият мафқураси жамиятнинг умумий манфаатларини ўзида акс эттиради. Жамият тараққиёти ва ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ўзгариши билан мафқуравий жараён моҳиятининг ўзгариши ҳам талаб этилади.

Ижтимоий тараққиёт давомида жамият ва шахс, давлат ва фуқаро манфаатлари ўзгараётган ҳозирги даврда, бу жараён мафқуравий муносабатларни ҳам ўзида акс эттириб бормоқда. Тадқиқотда муаллиф ана шу масалаларга кенгроқ эътибор қаратган. Ижтимоий муносабатларни моддий ва мафқуравий бирлик сифатида аниглаш, манфаатлар тизимининг шаклланишида

инсоннинг ўрнини кўрсатади. Халқнинг талаб ва манфаатларини кўзлайдиган, тарихга ва келажакка янгича қарайдиган ва улар ўртасида уйғунликни таъминлашга қодир мафқурагина жамият ҳаётида муқаррар ўрин эгаллаши мумкин.

Хулосада диссертациядаги материаллар назарий жihatдан умумлаштирилган. Унда жамият мафқураси муаммосининг мазмун-моҳияти илмий таҳлил қилинган. Мафқуранинг жамият тараққиёти давомида бажарадиган асосий функцияси очиб берилган, ишнинг мазмунидан келиб чиқадиган хулосалар ифодаланган, амалий ва назарий тавсиялар берилган.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни муаллифнинг кўйидаги мақолаларида ўз ифодасини топган.

1. Мустақиллик мафқураси: тарих ва замон талқини. «Ҳаёт ва қонун» журнали. 1998 йил. 12-сон.
2. Жамият мувозанати таянчи. «Жамият ва бошқарув» журнали. 1999 йил. 3-4-сон.
3. Мақбул мафқура зарурияти. «Қонун ҳимоясида» журнали. 2000 йил. 3-сон.
4. Матбуотсиз яшаш мумкинми? «Хуррият» газетаси. 2000 йил 27 июнь.

## Р е з ю м е

диссертации на соискание ученой степени кандидата политических наук Х.М.Расулова на тему: «Идеология общества в Узбекистане: национально-исторические корни и формирование».

Настоящая диссертация посвящена одной из актуальных проблем современного этапа развития. Каждая страна мира, как правило, живёт потребностями, соответствующими ее целям и интересам. После обретения независимости в сфере духовности и идеологии произошли большие изменения. Вместе с тем, трудности социально-экономического и духовного развития указывают на необходимость глубокого оздоровления духовной жизни в стране. В настоящей диссертации изучены цель и задачи, исторические корни процесс формирования и социальные функции идеи национальной независимости.

Исследование включает в себя введение, две главы, шесть параграфов, заключения и списка использованной литературы.

Во введении обосновывается актуальность, степень изученности проблемы, цель и задачи исследования, теоретическое

и практическое значение диссертации, а также её опробация и структура.

Первая глава диссертации - «Национально-исторические корни идеологии общества» ориентирована на глубокий анализ смысла и сущности понятия идеологии, различные взгляды по этому вопросу, ее роль в общественном развитии. Изучены также роль и место национальных ценностей в процессе формирования идеологии узбекистанского общества.

Во второй главе диссертации - «Единства идеологии общества и задач обеспечения гражданского согласия» - дан анализ роли таких важнейших духовных ценностей как национальная гордость и национальное самосознание в процессе формирования идеологии общества, обеспечения стабильности, безопасности и устойчивого развития страны, задачи обеспечения приоритета общенациональных интересов. Проблема рассмотрена в контексте принципов «социального сотрудничества», «общенационального консенсуса» и «межрелигиозной толерантности» которые преобладают в нашем обществе. Раскрывается также роль духовно-идеологического пространства в обеспечении общенациональной стабильности.

В заключении даны теоретические выводы относительно функционирования национальной идеологии в процессе демократизации общества, а также практические рекомендации.

## **The Summary**

of the Dissertation for candidate in political sciences made by Kh.M. Rasulov:  
 «The society ideology in Uzbekistan: national historical backgrounds  
 and the formation»

The topic of the Dissertation is of great importance for present day life in Uzbekistan. Any state of the world always feels the necessity to have a national wisdom and ideology, which is capable to answer the main goals and to defend the main interests of the society. Though there have been done a number of positive acts in the field of heritage and ideology in our Republic, the negative events happened in the last few years prove the necessity to improve and to make more healthy our life in the sphere of heritage and ideology. The Dissertation deals with the goals and objectives, historical backgrounds, the aspects of formation and social function of the problem.

The Dissertation consists of the Introduction, two chapters, six parts, summary and the list of the used literature.

In the Introduction we reveal the importance, the level how the theme was studied in the past, the goals and the objectives of the research. The

methodological and theoretical backgrounds of the research, its novelty, theoretical and practical importance as well as the structure of the Dissertation has also been delivered in the Introduction.

The first Chapter of the Dissertation is titled "The national-historical backgrounds of the ideology of the society". The chapter gives analysis of different viewpoints concerning the notion "ideology of the society", how this notion is understood in the Dissertation, its role in the development of the society, the national historical backgrounds of the problem. A comparative research in the field of our heritage taken in the framework of the formation of our national ideology has also been investigated in the chapter.

The second chapter is titled as "Unity of Ideology society and task of creation citizen's agreement". The Chapter reveals the role of a self esteem of the nation in strengthening ideology, as well as the role of peace and security in the way of defending the interests of the whole nation. The problem has been analyzed in the framework of the principles of "social consensus", "international cooperation", "inter-religious tolerance" which prevail in our society. There have been made an attempt to prove from scientific point of view that in order to provide tolerance in the society it is necessary to have a healthy spiritual and ideological environment.

In the Summary the materials of the Dissertation has been generalized from theoretical point of view. The function of national ideology in the process of society development, the summarized conclusion as well as practical and theoretical proposals have also been revealed in this part of the Dissertation.

A handwritten signature or set of initials, possibly "BMQ", written in dark ink.